Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen

# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan ● 2002 yil, 15 fevral № 7 (492) Sotuvda narxi erkin

## НАЗОРАТ ИНТИЗОМ КАФОЛАТИДИР

***Давлат алоқа инспекцияси ўтган ҳисобот йилида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва ҳудудий комиссиялари томонидан тасдиқланган режа-жадваллар асосида 332 та субъект фаолиятини текширди.***

Текширишлар жараёнида корхоналарнинг қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлиги, лицензия талабларининг бажарилиши, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати, таърифларнинг тўғри қўлланиши, маълумот ва рекламаларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги, мижозларга хизмат кўрсатиш хоналарининг техник жиҳозланиши ва эстетик ҳолатларига алоҳида эътибор берилди.

Алоқа соҳасида меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузганлик учун почта, телекоммуникация ва матбуот тарқатиш соҳаларида хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланган молиявий санкциялар ҳисобот йилида 28,2 миллион сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Электромагнит мослашув маркази ҳамда тегишли жойлар ходимлари билан биргаликда ноқонуний ишлатилаётган ва сотилаётган юқори частотали қурилмалар ва радиоэлектрон воситаларни аниқлаш мақсадида 175 та қўшма рейдлар ўтказилди. Натижада 513 та ноқонуний фойдаланилаётган радиоэлектрон воситалар аниқланди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 139 та субъект рухсатнома олди, 329 та радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш тўхтатилди.

Бугунги замонавий технологиялар кескин ривожланиб бораётган даврда республикамиздаги 3030 та алоқа бўлимларидан 728 таси, яъни ҳар тўртинчи алоқа бўлими телефонлаштирилмагани ачинарли ҳолдир. Масалан, Сирдарёда 106 тадан 31 таси, Самарқандда 388 тадан 159 таси, Сурхондарёда 227 тадан 87 таси, Жиззахда 165 тадан 138 таси, Қашқадарёда 282 тадан 143 таси телефонлаштирилмаган, 92 тасида телефонлар ишламайди. Пул маблағлари муҳофазаси тўлиқ таъминланмаган. Бу борада "Ўзбекистон почтаси" давлат акциядорлик компанияси "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси билан биргаликда масаланинг ечимини топмоғи зарур.

Шунингдек, Почта алоқаси корхоналарида кўрсатилаётган ноанъанавий хизматлар умумий даромаднинг 14 фоизини ташкил этгани ҳолда телекоммуникациялар хизматлари кўрсатишнинг бир фоиздан камлиги, шаҳарлараро сўзлашув хизматлари қишлоқ алоқа бўлимларида яхши йўлга қўйилмаганлиги каби муаммоларни ҳал этиш керак. Бу масалада "Ўзбекистон почтаси" ДАК ва унга тегишли корхоналар барча алоқа бўлимларидан телекоммуникациялар хизматлари кўрсатишни, лицензияга биноан маълумотлар узатиш хизматларини ташкил этиш масалаларини қайта кўриб чиқиб, чора-тадбирлар белгилаши мақсадга мувофиқдир.

**Ғолибшер ЗИЁЕВ,**
**Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи**

## МАЪНАВИЯТ ДАРСИ

Халқимизнинг фахру ғурури, ҳазрат Навоийнинг 561 йиллиги жойларда ўзгача кўтаринкилик билан нишонланди. Шундай тантаналардан бири Тошкент Алоқа коллежида ҳам бўлиб ўтди.

"Алишер Навоий ижодида миллий ифтихор туйғуси" мавзуида ўтказилган ушбу анжуманда коллеж директори С. Акбаров, "Гулистон" журнали бош муҳаррир ўринбосари М. Маҳмудов, "Жаҳон адабиёти" журнали бўлим мудири А. Файзулла, А. Қодирий номидаги "Маданий мерос" нашриёти бош рассоми Т. Саъдуллаев, "Сирли олам" журнали бош муҳаррир ўринбосари Р. Обид ва бошқалар иштирок этишди. Айниқса, коллеж талабаларининг Навоийга бағишлаб ўтказган кўрик-танлови тантана қатнашчиларида зўр қизиқиш уйғотди. Кечада улуғ шоирнинг ўлмас шоҳ байтлари, куй ва қўшиқлар янгради. Навоий ва Бойқаронинг сиймоларини коллеж талабалари Ҳ. Саидназаров ҳамда Ж. Абдуғофуровлар гавдалантиришди.

Ушбу анжуманни ўтказишда коллеж директорининг биринчи ўринбосари Қ. Тешаев, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи А. Обидовалар бош-қош бўлишди.

Навоийни шарафлаш, руҳини шод этишга бағишланган ушбу тантана буюк шоирнинг боқий меросига яқинлашиш ва уни кўнгил мулкига айлантириш сари ташланган дадил бир қадам бўлди.

**Ўз мухбиримиз**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Оқсаройда Германия федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпингни қабул қилди.**

• Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий марказида "Фуқаро, жамият, қонун" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

**• Тожикистон Республикаси Бош вазири О. Оқилов мамлакатимизга ташриф буюрди. Пойтахтдаги қароргоҳда икки мамлакат делегацияларининг музокаралари бўлди. Унда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.**

• Жанубий Камчаткада давом этаётган довул натижасида вилоят марказидаги аэропорт, барча мактаблар ўз фаолиятини тўхтатган.

**• Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу Дабида Афғонистон Мувaққат ҳукуматининг элчихонаси очилди.**

• Покистон полицияси ўғирланган америкалик журналист Дэниэл Перлни мамлакатнинг Лаҳор шаҳрида қидирмоқда. Уларнинг фикрича, ўғирликда гумон қилинаётган Аҳмад Умар Саёд Шайх шу ерда яширинган бўлиши мумкин.

**• Калифорниянинг Вандербург космодромидан Delta II ракетаси учирилди. У бешта Iridiunm глобал алоқа тизими йўлдошларини орбитага олиб чиқди.**

• Рио-де-Жанейрода бутун жаҳонга машҳур анъанавий карнавал бўлиб ўтди. Унда Бразилиянинг таниқли 14 та самба рақс мактаби ва 60 мингдан зиёд томошабин иштирок этди. АҚШнинг собиқ президенти катта Буш, рафиқаси Барбара Буш ва дунёга машҳур Голливуд юлдузлари байрамнинг меҳмонлари бўлишди.

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ: ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар соҳасининг муваффақият ва тараққиётида унинг номланиши ҳам муҳим ўрин тутади. Ўз манфаатини кўзлаб, катта сармоя ваъда қилган бир хорижий фирма тавсиясига кўра ягона телекоммуникациялар тармоғи икки қисмга – "Халқаро Телеком" ҳамда "Маҳаллий Телеком" акциядорлик компанияларига бўлинган эди. Биринчиси шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси тармоғини ривожлантириш ва модернизациялашга, иккинчиси эса барча маҳаллий (шаҳар, туман, қишлоқ) телефон станциялари билан уларнинг ривожланмаган абонентлик алоқа линияларига йўналтирилганди. Иккала компания ҳам электралоқа тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳаракат қилди. Муҳим лойиҳалар амалга оширилди, замонавий ва илғор технологиялар билан жиҳозланган янги объектлар ишга туширилди. Натижада республикада маълумотлар узатишнинг рақамли тизимига эга бўлган оптик толали кабел магистраллари қурилди, маҳаллий тармоқларда эса 33 фоиз эскирган, декада одимловчи ва координат станциялар рақамли АТСларга алмаштирилди. Аммо тармоқда иккита операторнинг мавжудлиги телекоммуникациялар бозори талаб ва анъаналарига тўлиқ жавоб бермай қолди, соҳа истиқболи учун ҳақиқий сармоялар келиб тушиши чегараланди. Бу каби муаммолар ҳар икки компанияни ягона тизимга бирлаштиришни тақозо этди. Ушбу масалани ҳал этиш учун давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муаммолари билан фаол шуғулланаётган тажрибали хорижлик маслаҳатчи ва экспертлар олдига аниқ натижалар берадиган янги, конструктив тадбирлар – телекоммуникациялар соҳасида ислоҳотларни кучайтириш, алоқа корхоналари замонавий техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уни ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Шундай қилиб, Президентимизнинг 2000 йилдаги Фармони ҳамда ҳукумат Қарорига асосан "Халқаро Телеком" ва "Маҳаллий Телеком" АЖлари "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига айлантирилди. Унинг таркибига 14 та акциядорлик жамиятлари (Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги операторлар) ҳамда иккита қўшма корхоналар – "Чирком" ва "ЎЗИ" таркибидаги тўртта вилоят операторлари киритилди.

Давлат Мулк Қўмитаси ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига компаниянинг 51 фоиздан кўп бўлмаган акцияларини тендер савдосида хорижий инвесторларга сотиш йўли билан "Ўзбектелеком" АКни хусусийлаштириш бўйича биргаликда таклифлар киритиш учун халқаро молиявий маслаҳатчини жалб қилиш топширилди.

Молиявий маслаҳатчи қилиб "Коммерцбанк" бошчилигидаги халқаро консорциум белгиланди. Компания корхоналарининг молиявий жиҳатини текширувдан ўтказиш, инвестицияни аниқлаш, хусусийлаштириш стратегиясини баҳолаш, ахборот меморандумини тайёрлаш каби бизнес-ташҳис бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда "Ўзбектелеком" АК хусусийлаштириш масалаларини ҳал этишнинг янги босқичига чиқиб олди. Халқаро маслаҳатчиларнинг фикрича, хусусийлаштиришни муваффақиятли ўтказиш учун барча ҳудудий операторлар (шу жумладан, вилоятларда ҳам) "Ўзбектелеком" АКга бирлашиши, компания таркибидаги мустақил акциядорлик жамиятлари амалдаги хўжалик юритувчи субъект ва юридик шахс ҳуқуқидан кўнгилли равишда воз кечиб, филиаллар ҳуқуқини тўлалигича сақлаган ҳолда ягона компания таркибига кириши керак.

**(Давоми 2-бетда.)**

**● "XABAR" ҚАНДАЙ БЎЛИШИНИ ИСТАЙСИЗ?**

## МАСЛАҲАТЛАРДАН ЗАВҚ ОЛАМАН

**Газетада берилган анкета саволларини ўқиб, хурсанд бўлдим. Яқинда севимли газетамиз ўн ёшга тўлади. Газета шу давр мобайнида бизнинг энг яқин ҳамкоримизга айланди десам хато бўлмайди. Мен ҳам бир муштарий сифатида ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.**

1. Газета саҳифаларида телекоммуникация ва алоқа соҳасида эришилган ютуқлар, замонавий алоқа воситалари, чет эл алоқачиларининг иш тажрибалари кенгроқ ёритилса. "Xabar"ни олти саҳифада чоп этсангиз. Бу йил "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинди. Республикамизнинг барча вилоятларида алоқа соҳасида кўп йиллар давомида меҳнат қилган инсонлар яшамоқда. Ана шулар ҳақида газета саҳифаларида ҳикоя қилинса яхши бўларди.

2. Мен "Қилмиш-қидирмиш", "Ёднома" рукнларидаги материалларни қизиқиш билан ўқийман. Латифалар, турли маслаҳатлардан завқ оламан. Яна бир таклифим газетада мунажжимлар башоратларини ҳам бериб борсангизлар. Элимизга таниқли бўлган артистлар, уларнинг ҳаёти ҳам бизни қизиқтиради. "Буюклар муҳаббати" рукни остида бериб бориластган тарихий материаллар мени ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Бундай маърифий чиқишлар газета ўқувчиларини кўпайтиради.

**Алишер СЎФИЕВ,**
**Андижон вилояти**

# МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ — БОШ МЕЗОН

***Мухбиримиз "Бухоро Телеком" АЖ Бухоро шаҳар филиали бошлиғи Музаффар ЖУМАЕВ билан Вазирлар Маҳкамасининг "2010 йилгача республика телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш ва ривожлантириш Миллий дастури"ни амалга оширишда Бухоро шаҳри алоқачилари томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.***

**— Музаффар ака, Бухоро шаҳри аҳолисига алоқа хизмати кўрсатишдаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Шаҳримиз электралоқа тармоғидаги АТСлар ҳозирги пайтда 52.664 рақамдан иборат бўлиб, улар ёрдамида аҳоли, корхона ва ташкилотларга мунтазам равишда алоқа хизмати кўрсатиб келинмоқда. Филиалимизда 298 нафар киши меҳнат қилади. Улар орасида ўз ишининг ҳақиқий усталари, узоқ йиллардан бери баракали меҳнат қилиб келаётган фидойилар талайгина.



Кейинги йилларда шаҳримиз алоқа тизимида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. 1996 йили вилоятимиз миқёсида Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмаси билан 9367,8 минг АҚШ доллари қийматида шартнома имзоланган эди. Шунга мувофиқ шаҳардаги қуввати 30000 рақамга эга бўлган эски АТСлар ДТС-3100 русумдаги рақамли замонавий станциялар билан алмаштирилди. Бу станцияларнинг афзалликларини бугунги кунда кўпчилик яхши билади.

Рақамли телефон станцияларининг ишга тушиши маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга ижобий таъсир кўрсатди. Шаҳримиз бўйича бугунги кунда алоқа хизмати кўрсатиш сифати жаҳон андозалари даражасига етганлиги қувонарли ҳол, албатта. Бир кунда 660 нафарга яқин мижозларимиз телефон тармоғидан тўғридан-тўғри республикамизнинг исталган шаҳрига, ҳамдўстлик давлатларига, саноқли дақиқаларда хорижга чиқиш имконига эгадирлар.

Бухорода ҳозирги пайтда бешта пул тўлаш шахобчаси ягона компьютер тизимига уланган ҳолда иш олиб бормоқда. Кундалик иш жараёнлари ҳам шу тариқа марказлашган ҳолда назорат қилинмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу хизматлардан келадиган даромадлар йил сайин кўпайиб боряпти.

**— Суҳбатимиз мавзуи ўз-ўзидан иқтисодий-техник кўрсаткичларга келиб тақалди, назаримда...**

— Тўғри топдингиз. Ўтган 2001 йилда корхонамиз бўйича режадаги бир миллиард 243 миллион сўм ўрнига бир миллиард 272 миллион сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди. Режадан ташқари 29 миллион 293,1 минг сўмлик даромад олинди. Аҳолига режадаги 665 миллион 428,2 минг сўм ўрнига 668 миллион 272,7 минг сўмлик электралоқа хизмати кўрсатилди. Шаҳарлараро сўзлашув бўйича 106,9 фоиз ўсишга эришилди. Жами 14 миллион сўмлик линия-кабел хўжалигини кенгайтириш натижасида шаҳардаги Афросиёб кўчасининг бир қатор муюлишлари, Ситораи Мохи Ҳосса қўрғони, Шейхон қишлоғини телефонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Магистрал автомобил йўлларини бир неча жойдан кесиб ўтувчи кабел канализациялари учун металл қувурлар ташланди.

Асосий телефон нуқталарини кенгайтириш мақсадида ўтган 2001 йилда Бухоро шаҳри бўйича жами 3122 та телефон ўрнатилди. Ҳозирги пайтда шаҳарда 41534 та асосий телефон нуқталаридан фойдаланилмоқда. Шунингдек, 2001 йилда ўрнатилган телефонларнинг асосий қисми магистрал ва тарқатувчи кабелларни таъмирлаш ҳисобига, шунингдек, симли радиоэшиттириш тармоғининг эфир турига ўтиши муносабати билан бўшаган радио линияларни телефон линияси учун фойдаланиш ҳисобига амалга оширилди. Бу монтаж қилинган станциялар фойдаланиш сиғимининг 80 фоизини ташкил қилади.

**— Ишчи ва хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида олиб борилаётган ишлар билан ҳам таништирсангиз.**

— Филиалимиз маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси бу масалани биринчи галдаги, муҳим вазифалардан бири деб билади. Бу борада "Бухоро Телеком" акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитасининг ҳам ёрдамлари катта бўляпти. Ўтган 2001 йилда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш учун режадаги 3 миллион 244804 сўм ўрнига 4 миллион 316853 сўм харажат қилинди. 63 та хавфли кесишмани тўлиқ бартараф этишга эришдик. Ходимларни ҳимоя воситалари билан таъминлашга 495590 сўм, ёнғин хавфсизлиги масалалари учун эса 126032 сўм сарфланди. Бундан ташқари, 2001 йилнинг "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Корхонамиз ишчиларининг 136 нафари хотин-қизлардир. Икки ёшдан уч ёшгача бўлган фарзандлар тарбияси билан машғул бўлган 14 нафар аёлга нафақа пуллари ўз вақтида тўлаб келинмоқда. Шунингдек, филиал ишчи-хизматчилари болаларидан 200 нафари тармоққа қарашли "Ёш алоқачи" оромгоҳида бепул дам олди, бошланғич синфларда таълим олаётган 17 нафар ўғил-қизларга эса 120 минг сўмлик ўқув дарсликлари олиб берилди.

Ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш ва жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Спортнинг волейбол,стритбол, югуриш турлари бўйича ўтган йили ўтказилган вилоят спартакиадасида филиал ходимлари ҳам фаол иштирок этиб, биринчи ва иккинчи ўринларни олишга муваффақ бўлдилар. Алоқачиларимизнинг 9 нафари эса стритбол ва югуриш бўйича ўтказилган республика спартакиадасида қатнашиш шарафига эришди. Вақти-вақти билан ўтказиб келинаётган саёҳатлар ҳам кундалик меҳнатга ҳамдам бўляпти. Ижтимоий муҳофаза борасидаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

**А. ИСТАМОВ суҳбатлашди**

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ: ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**(Аввали 1-бетда.)**

Республикада ягона телекоммуникациялар операторининг ташкил этилишига халқаро молиявий институтлар — Европа ривожланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки, Халқаро молиявий корпорация ва бошқалар ўз манфаатдорликларини билдиришди. Улар "Ўзбектелеком" АКни хусусийлаштириш ишида ташкил қилинаётган шарт-шароитларни ижобий баҳоламоқдалар. Ҳозир ҳудудий операторларнинг 80 фоиз акциялари ҳисобига шакллантирилган бу компаниянинг устав жамғармаси холдинг тузилмаси кўринишига эга. Ягона операторнинг ташкил этилиши фойдани тақсимлашда икки баробар солиқ тўлашдан озод этади. Компания баҳосини миллионлаб АҚШ долларига ўстириб, мўлжалдаги инвестициялар даражасига кўтаради. Республика телекоммуникацияларининг барча тармоғига хорижий сармоядорларни жалб этади, телефон хизматлари соҳасини кенг кўламли модернизациялаш ва ривожлантириш учун молиявий имкониятлар яратади. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоғини бир маромда ривожлантиришга йўл очади.

Ягона компанияга бирлашиш тўғрисидаги бундай қарорнинг қабул қилинишида Туркия, Германия каби мамлакатларнинг тажрибалари ҳисобга олинди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, телекоммуникацияларни хусусийлаштириш дунё амалиётида янги ташланган қадамдир. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам бу жараён бир неча йил олдингина амалга оширилди.

"Ўзбектелеком" АК хорижий сармоядорлар билан қонун ҳужжатларида кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиб ҳамкорлик қилиши мумкин.

Акциядорларнинг бўлиб ўтган йиғилишида янги ташаббус қўллаб-қувватланди. 2002 йилнинг 1 январидан "Ўзбектелеком" АК ўзининг янги мақоми — Ўзбекистон телекоммуникацияларининг ягона оператори сифатида фаолиятини бошлади. Унинг таркибига кирган корхоналар, собиқ акциядорлик жамиятлари, жумладан "Тошкент шаҳар телефон тармоғи", "Тошкент телеграф-телефон станцияси", "Шаҳарлараро алоқа корхонаси", "Қорақалпоқ Телеком", "Андижон Телеком", "Наманган Телеком", "Фарғона Телеком", "Тошкент Телеком", "Сирдарё Телеком", "Бухоро Телеком", "Навоий Телеком", "Хоразм Телеком" АЖлари компания филиаллари мақомини олди. "Сурхондарё Телеком", "Самарқанд Телеком", "Қашқадарё Телеком", "Жиззах Телеком"лар эса "Ўзбектелеком интернейшнл" АЖ ҚК таркибида қолиб, аввалги шўъба корхоналари мақоми билан компания таркибига кирди. Шунингдек, "Тошкент таксофони" АЖнинг жами 14 та филиали, "Чирком", "Бузтон", "Рубикон", "Ўзмаком" ҳамда бешта қўшма корхоналар ҳам компания тасарруфида қолди.

Хулоса қилиб айтганда, республика телекоммуникация тизимида йирик компания вужудга келди. Энди унинг тасарруфидаги корхоналарни қайта расмийлаштириш, яъни банклардаги ҳисоб рақамларини унификациялаштириш, мижозлар билан ишлаш бўйича ваколатларни белгилаш ва бошқа кўпгина масалаларни ҳал этиш керак. Олдинда хорижий сармояларнинг келиб тушиши билан боғлиқ ривожланган ва модернизациялашган телекоммуникациялар тизимини ташкил этиш турибди. Ўйлаймизки, компания бу масалалар бўйича ҳам муваффақиятга эриша олади.

**А. КУДИНОВ**

# ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ КЕНГАШИДА

***Давлат алоқа инспекциясининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Унда 2001 йил иш якунлари тўғрисида Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи F. Зиёев маъруза қилди.***

Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 27 ноябрдаги 496-сон қарори ва Агентликнинг 2002 йил, 8 январда тасдиқланган буйруғига асосан Давлат алоқа инспекцияси ходимлари текширишлар ўтказиш ҳуқуқини олиш учун аттестациядан ўтганлиги ва таркибий бўлинмалар навбатдаги аттестацияга етарли даражада тайёргарлик кўрмаганликлари, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш кераклигини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"га мувофиқ Давлат алоқа инспекцияси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Дастури ишлаб чиқилгани ва ушбу дастур асосида янги техника ва технологияларни ўрганишга оид ўқишлар режаси Қорақалпоғистон республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона вилоятлари бўлинмаларида етарли даражада амалга оширилмаганлиги, шунингдек, 2001 йил, 6 декабрда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Избосаров иштирокида бўлиб ўтган Давлат алоқа инспекцияси Кенгаши қарорлари бажарилиши бўйича таркибий бўлинмаларнинг мавжуд қонуний ва меъёрий ҳужжатлар рўйхатини ўз вақтида тузиш ва уни тақдим этиш борасидаги камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Шунингдек, кенгашда Давлат алоқа инспекцияси телекоммуникациялар бўлими бошлиғи, Кенгаш котиби С.Авганбоев, Почта алоқаси бўлим бошлиғи А.Маннопова, Маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш ва махсус ишлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи М.Холхўжаевларнинг ҳисоботлари тингланди.

Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2002 йилда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан ўтказиладиган текширишларни сифатли ўтказиш, инспекция ишини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда кенгашда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Б.СОАТОВ,**
**Меъёрий ҳужжатлар бўлими бошлиғи**

# АКЦИЯДОРЛАР ЙИҒИЛИШИ

***"Хоразм Телеком" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари Р. Юнусов иштирок этди ва маъруза қилди.***

Маърузачи республика алоқа тармоғида амалга оширилаётган янги йўналишлар ва бу соҳага чет эллик ишбилармонлар қизиқиши ортаётганлиги, акциядорлик компанияси ва унга қарашли корхоналарни ягона иқтисодий тизимда шакллантириш ҳамда марказлаштириш орқали акциялар қийматини ошириш мақсадга мувофиқлиги Германиянинг "Коммерцбанк" экспертлари ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра эътироф этилгани тўғрисида гапирди. "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришни янгидан ташкил қилиш ва акцияларнинг 51 фоизини чет эллик сармоядорларга сотиш орқали телекоммуникация тизимини янада ривожлантириш зарурияти туғилгани, хорижий сармоялар киритилиши билан чет элларда яратилган энг замонавий ускуналарни танлаб олиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш имконияти кенгайгани борасида фикр юритди.

"Хоразм Телеком" АЖ бош директори Маҳмуд Собиров вилоят алоқа соҳасини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар мукаммал адо этилгани, мавжуд алоқа воситаларидан унумли фойдаланилаётгани боис даромад ҳажми ошиб бораётганини, ички имкониятлар ҳисобига қишлоқ АТСларига миллион сўмлик замонавий ускуналар ўрнатилиши билан шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сони кескин ортгани ва ҳар ойда қўшимча 18-20 миллион сўмдан даромад олинаётгани, шунингдек, "Наврўз" шаҳарчасида янги жиҳозлар билан тўлдирилган АТСлар иши, хизмат кўрсатиш кескин яхшиланганини таъкидлади. Шунингдек, акциядорларни даромад манбаини кенгайтириш ва кўпайтириш, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб акциялар қийматини оширишга ҳисса қўшиши лозимлигини уқтирди. Акциянинг қадри ошса, тўланадиган дивидент миқдори ҳам салмоқли бўлиши, муомаладаги акцияларни марказлашган ҳолда тартибга келтириш, "Хоразм Телеком" АЖ нинг оддий акциялари "Ўзбектелеком" АКнинг имтиёзли акцияларига алмаштириб берилиши ва воситаларни бир жойга жамлаш орқали чет эл сармояларини жалб этиш алоқа тизими ривожланишини яна бир поғона юқорига кўтаришини айтиб ўтди.

Йиғилишда қатнашаётган 971 (98 фоиз) нафар акциядорлар "Хоразм Телеком" АЖ ни "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига қўшиш йўли билан қайта ташкил қилиш ва қўшилиш шартномасини қайта топшириш тўғрисидаги далолатномани тасдиқлаш бўйича овоз беришди. Баённома бир овоздан қабул қилинди.

Шундан сўнг Хоразм вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ж. Вафоевнинг ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда алоқа тизими ишчи-хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш бўйича маъмурият томонидан кўпгина тадбирлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Касаба уюшмаси билан "Хоразм Телеком" АЖ маъмурияти ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши номма-ном тилга олинди ва тўлиқ амалга оширилганлиги қайд этилиб, ижобий баҳоланди.

**Ф. МУҲАММАДИЕВ,**
**Хоразм вилояти**


**Тошкент электротехника алоқа институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.**

**Катта ўқитувчилар:**

Транспорт тармоқлари ва телекоммуникация линиялари — 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**

Муҳандислик графикаси — 1,
Электрон квант асбоблари — 1,
Иқтисодиёт назарияси — 1,
Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 2,
Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой муддат ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари қатнашишлари мумкин.

**Институт манзили: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 108- уй. Телефон: 138-64-06.**

• БУЮКЛАР МУҲАББАТИ

# АТИРГУЛ ҲИДИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур атоқли давлат арбоби, саркарда, шу билан бирга истеъдодли шоир ва таржимон ҳамдир.

Бобур жуда мураккаб ҳаёт, кураш ва ижодий фаолият йўлини босиб ўтди. У инқирозга юз тутган темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Ўрта Осиёда марказлашган йирик давлатни вужудга келтириш учун узоқ кураш олиб борди. Бироқ тарихий шароит бунга имкон бермади. Шайбонийхондан қаттиқ шикаст еган Бобур Афғонистонга қараб йўл олди...

Бобур ўз даврининг етук муаллимлари ва мураббийлари томонидан тарбияланди. Ёш Заҳириддин Муҳаммад тез орада хат-саводини чиқариб, илм-фан, адабиёт ва тарих билан шуғуллана бошлайди. У кўп вақт ҳарбий машқ ва ов билан машғул бўлади.

1494 йили Умаршайх мирзога қарши унинг ўз акаси, Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад мирзо ва Тошкент ҳокими Маҳмудхон қўшин тортиб, Фарғонага юриш қиладилар. Бу вақтда Умаршайх мирзо Андижоннинг ғарб томонида, жар ёқасида бино бўлган Ахси қўрғонида эди. Тасодифан Умаршайх мирзо кабутархоналари билан бирга жарга қулаб кетиб, ҳалок бўлади. Умаршайх мирзодан уч ўғил ва беш қиз қолди. Ўғилларининг каттаси 12 ёшга қадам қўйган Бобур бўлиб, у Фарғона вилояти тахтининг ворис эди. Шунинг учун тахтга Бобур чиқди. Бобур онаси оқила ва тадбирли Нигорхонимнинг раҳбарлиги ва кўмагида қўшинни қайта тузади, шаҳарлар ва қўрғонларни мустаҳкамлайди. Душманнинг ҳужумини моҳирлик билан қайтариб, уни чекинишга мажбур қилади. Катта талафот кўрган Султон Аҳмад сулҳ тузиб, Самарқандга қайтишга мажбур бўлади. Бу жанг ёш Бобурнинг биринчи ва катта ғалабаси эди.

Фарғона вилоятини қўлга олган Бобур ўз ҳукмронлиги доирасини кенгайтиришга, Мовароуннаҳрда йирик бир давлат вужудга келтиришга интилади. Унинг диққатини аввало бобоси Амир Темур пойтахти ўзига жалб қилади. Бироқ уни қўлга киритолмайди. Шайбонийхон Самарқанд ва Фарғона водийсини босиб олади. Ниҳоятда танг аҳволда қолган Бобур Мовароуннаҳрда мустаҳкам ҳокимият вужудга келтиришга кўзи етмай, "тоқай бу Фарғона вилоятида саргардон бўлиб турмоқ керак, бир тарафга талаб қилойин" деб, 1504 йилда 300 дан зиёдроқ йигити билан Афғонистонга қараб юради. Шу юришда Бобур йўл-йўлакай афғон қабилаларини енгиб, ўзига бўйсундириб борди. Айрим афғон беклари ўз навкарлари билан унинг қўшинига келиб қўшилдилар. Бобур урушсиз ва таловсиз Кобулни эгаллади. У Кобулнинг ерлик аҳолисига зиён-захмат етказмасдан, уларни мол-мулклари билан Юртепага кўчиришга буюради. Бобур Ғазна вилоятини ҳам урушсиз қўлга киритади. Шундай қилиб, Бобур Афғонистонда катта ҳурмат қозонади.

Бобур хос навкарлари ва беклари билан Ҳиротнинг ташқарисидаги кенг боғ кўчадан кетиб бораётганда, девор тепасидан кимдир уч-тўртта атиргул ташлайди. Тўқ қизил гуллардан бири саман отининг ўсиқ ёлига илиниб қолганини кўрган Бобур девор тепасига қарадию, ёш бир қизнинг қийиқ қошларини ва қош устига бостириб кийган гулдор тоқисини кўрди. Кейин у гулни қўлига олиб, лабига яқинлаштирди.

Узоқда ястаниб турган Занжиргоҳ тоғларининг баланд чўққиларига қор тушганди. Ҳиротнинг кеч кузида очилган бу гулнинг хушбўй ҳиди димоғига урилган заҳоти жиловни беихтиёр тортиб, отини тўхтатади. Узангига оёқларини тираб, эгардан бўй чўзиб, девор тепасидаги қизга тикилиб қарайди. Энди унга қизнинг олов чақнатиб турган қоп-қора кўзлари, бу кўзларга ниҳоятда ярашган гулранг ёноқлари аниқ кўринади. Бобур бу кўчадан илгари ҳам ўтганди. Қиз авваллари ҳам уни кўриб, таниб қолган эканми, кўзлари мўлтираб ва уялиб бош эгади, бу унинг салом берганимиди ёки хайрлашганимиди? Ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги қизнинг жозибасию мўлтираб бош эгиши Бобурга шундай таъсир қиладики, у бир лаҳза нима қилишини билмай эсанкираб туради.

Бу орада бошқа мулозимлар ҳам қизни кўриб, отларини тўхтатишади. Бобурни Музаффар мирзонинг Ҳирот бўйича доруғаси Юсуфбек Алибек кузатиб бораётган эди. Қирқ ёшлардан ошган кўнгилчан бу бек девор тепасидаги қизни таниб кулади:

– Ие, Моҳиммисиз!? Оббо, Моҳ чучукей, катта қиз бўлиб қолибсиз-а!

Қиз гўё энди ўзига келадию, лип этиб, бошини девор ортига олиб кўздан ғойиб бўлади.

Юзи қандайдир ички оловнинг тафтидан қизарган, кўзлари ғалати чақнаган Бобур Юсуф Алибекдан шошиб сўрайди.

– Ким? Ким дедингиз?

– Амирзодам, бу ҳовли султон соҳибқироннинг узоқ қариндошларидан бирига қарашли. Қизнинг отаси Ҳусайн Бойқаронинг нуфузли девонбошиларидан эдилар. Борди-келдимиз бор эди. Ҳозир Қандаҳоргами, Ғазнагами кўчиб кетмоқчи эмишлар деб эшитдим.

Отлар юриб борарди. Бобур Моҳим деб аталган қизниинг тобора узоқда қолаётганини ўйлаб, кўнглида кучли бир армон сезди. Шунча кун Ҳиротда юриб, бу қизни нега фақат энди, жўнаб кетаётган пайтда кўрди?

Бобур ҳали ҳам қўлида ушлаб бораётган гулга қарарди. Бу гўзал қиз Ҳиротнинг бутун нафосатини ўз жозибаси билан бирга мана шу гулга муаттар ҳид каби жойлаб берганга ўхшар эди. Бобур гулни яна бир ҳидлайдию, бошидаги салласининг қатига кўзга кўринмайдиган қилиб қистириб қўяди. Шундан сўнг ҳар икки ёш бир-бирини севиб қолишади. Бобур Моҳимнинг ота ва оғаларини Ғазнадан Кобулга таклиф қилади, кейин бу ерда Моҳим билан кўришиб, унга уйланади. Улар фарзандли бўлишади. Бу бола келажакда Ҳумоюн номи билан дунёга танилади.

Бобурнинг опаси Хонзода бегим Шайбонийхонга турмушга чиқади. Ундан бир ўғил кўради. Шайбонийхон ўлдирилгач, укаси Бобурни излаб Ҳиротга келади. Ана шунда Хонзода бегим илк бор Моҳимни кўриб, "Толе сизга энди кулиб боқибди, амирзодам. Ўзингизга бунчалик муносиб маликани қандай учратдингиз!", дея инисининг дидига тасанно айтади. Чунки Бобур Мирзо бундан аввал ҳам тоғасининг қизи Ойша бегимга уйланган, лекин бу никоҳ севги туфайли бўлмаганди.

Моҳим ғазал ишқибози эди. У жуда гўзал ва ақлли аёл бўлган.

Моҳим Хонзода бегимни кўргандан кейин ҳаяжон билан шундай дейди:

– Мен сизнинг жасоратингизни, фидойилингизни ҳазратимдан эшитиб, ўзингизни кўриш орзусида эрдим. Тангрига шукур, бугун шу орзуйим рўёбга чиқди. Ҳазрат бегим, мен сизни афсонавий бир малика деб ўйлардим. Бироқ ўзингизни кўрдиму сиздаги меҳригиё афсонавий маликаларда ҳам бўлмаслигига ишондим. Энди уйимизнинг пешгоҳи ҳам, кўнглимизнинг тўри ҳам сизники!

Ана шундай илтифотдан сўнг Хонзода бегим Бобур ўзига муносиб ёр танлашда адашмаганини сезди...

**Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади**

## КЎНГИЛ ДАФТАРИДАН

- **Тул хотинку бир кунини кўради. Фарзандларининг уйига сиғади. Тул қолган эркакнинг шўри қурсин.**
- **Эрталаб ишга хуш кайфият билан жўнаб, кечқурун яхши кайфият билан уйга қайтган одам энг бахтли инсондир.**
- **Бугун Ўзбекистонда деярли барча уйларда телевизор бўлгани каби келажакда барча ватандошларим хонадонида шахсий компютерлар бўлишини истайман. Бу уларнинг мушкулини осон, вақтларини чоғ этарди. Ёшларни ёнбошлаб олиб телевизор кўришдан бироз бўлсада чалғитган бўлар эди.**
- **Дунёда бир ёстиққа бош қўйиб яшаб бир-бирини тушунмасликдан ортиқ фожеа бўлмаса керак.**
- **Дунёда яхшиликка раҳмат деб миннатдорчилик билдиришни, хато қилса кечирасиз деб узр сўрашни билмайдиган маҳлуқлар ҳам бор.**
- **Нафс ҳеч кимни яхши йўлга бошлаган эмас.**
- **Ёр танлашда сўзига эмас, кўзига ишон.**
- **Севгининг сўз билан айтилгани лоф, кўз билан айтилгани ростдир.**
- **Ота-онанинг қарғишига қолганлар муродига етган эмас. Олқиш олганлар эса кам бўлган эмас.**
- **Санъат савиядан бошланади. Саҳнада туриш одоби ҳам санъаткорнинг савиясини белгилайди.**

**Йигитали УСМОНОВ**

## ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ



*Кулги — чеҳранинг гули.*

## ХОРИЖ ХАНДАЛАРИ

–Биласанми, кеча қандайдир эркак менга қўнғироқ қилиб, "агар хотинимни тинч қўймасанг каллангни оламан" деди.

– Бўлмаса, бу қилиғингни ташла.

– Лекин у хотини кимлигини айтмади-да.

–Агар сен менинг севгимни рад этсанг, – деди у қизга, – мен шу заҳоти ўламан.

Қиз рад этди. У 60 йилдан кейин ўлди.

Ҳашаматли ресторанда официантка эркакдан сўради:

– Жаноб, хотинингиз нима ичадилар?

– Менинг қонимни.

Хотин эрига:

– Сен билан жиддий гаплашиб олишимиз керак.

Эр:

– Бошлайверишинг мумкин, мен тезда қайтаман.

Арман радиосидан сўрадилар:

– Энг жингалак сочли аёллар қаерда бўлади?

– Африкада.

– Мана ўғлим, уйланганингдан кейин ҳақиқий бахт нима эканлигини биласан.

–Шундайми?

– Ҳа шундай, лекин унда кеч бўлади.

Турма назоратчиси маҳбусга:

– Сизни кўргани хотинингиз келди.

– Э худо! Мени йўқ экан деб айтинг.

– Сен шунчалик кўп ишлаяпсанки, азизим, – деди хотин эрига, – ҳатто уйқунгда ҳам котибангни чақиряпсан.

–Мен тўйга қадар хотинимни шунчалик яхши кўрардимки, ҳатто еб қўйгим келарди.

– Ҳозир-чи?

– Ҳозир эса ўшанда еб қўймаганимга афсусланаман.

**Ўткир САИДОВ таржимаси**

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

*"XABAR" газетаси жамоаси Агентликнинг Халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Хуршид КАРИМОВни туғилган куни билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида ривож тилайди.*

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Куролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-175. 9994 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6